

Зиммадаги бурч ва мажбурият уни ўз вақтида тўлиқ адо этиш юзни ёруғ қилади

Мамлакатимизда бюджет ва солиқ соҳаларининг ҳуқуқий асослари изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи меъёр ва қоидаларни мужассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қулайликлар яратаяпти.

2008 йилдан эътиборан кучга кирган мазкур кодексда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши билан бирга солиқ тўлашнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, ягоналиги тамойиллари, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи ўз ифодасини топган.

Солиқ соҳасидаги бу янгилик ва ўзгаришлар Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарорида ҳам ўз ифодасини топиши билан бирга солиқ қонунчилигини судлар фаолиятига татбиқ этиш билан боғлиқ қатор масалаларга тегишли аниқликлар киритилди.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасининг 1-қисми ва Жиноят кодексининг 184-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, солиқлар ва бошқа тўловларни қасддан тўламаслик ҳолатлари солиқлар ва тегишли мажбурий тўловлардан бўйин товлаш ҳисобланади.

Бундай ҳолатда тўланмаган солиқ анча миқдорни ташкил этмаса ва бу биринчи марта содир этилган бўлса, маъмурий жазо қўлланилади. Агар шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида шундай қилмишни такроран содир этса ва анча миқдорни ташкил этса, у ҳолда Жиноят кодексининг 184-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик белгиланади.

Солиқ тўловчи ўз хатоларини солиқ текшируви бошлангунга қадар ўзи мустақил равишда тузатган тақдирда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Айтиш жоизки, қонун асосида белгиланган солиқлар, маҳаллий йиқимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Аммо ҳаётда баъзан зиммасидаги бурч ва мажбуриятни нутиб қўядиган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, "МІК" хусусий корхонаси директори лавозимида фаолият юритиб келган Ш.Камоловни ҳам шундай кимсалар тоифасига қўшиш мумкин. Гап шундаки, у хусусий корхонага қаршли автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси орқали сиқилган газни сотишда қонун талабларини қўпол равишда бузган ва белгиланган солиқлар ҳамда кўп миқдордаги мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноятини содир этган.

Шу ўринда ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган Ш.Камоловнинг қилмишларига батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак, аслида у белгиланган тартибга кўра, "Avtogazta`minot" ШКдан сиқилган табиий газ олиш ва уни истеъмолчиларга "Avtopilot" русумли газ ўлчаш воситасида сотиши керак эди. Энг асосийси, "Avtopilot" русумли газ ўлчаш воситаси давлат қиёслов кўригидан ўтказилган, соз ва белгиланган тартибда тамғаланган бўлиши талаб этилади. Бу амалдаги "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Бироқ Ш.Камолов юқорида қайд этилган тартиб-қоидаларга риоя қилиш ўрнига қинғирлик йўлини тутди. У "Avtopilot" газ ўлчаш воситасини 2010 — 2012 йилларда давлат қиёслов кўригидан ўтказмай, тамқалатмай, носоз ҳолатда фойдаланиб келади, яъни ўз манфаатини ўйлаб, қасддан шундай йўл тутди. Оқибатда сотилган газ ҳажми "Avtopilot" газ ўлчаш воситаси ҳисобга олган газ ҳажмидан ортиб кетади. Аниқроқ айтганда, Ш.Камолов қасддан содир қилган жиноий ҳаракатлари билан 224 миллион 642 минг 230 сўмлик, яъни жуда кўп миқдордаги табиий газни талон-торож қилади.

Бундан ташқари Ш.Камоловнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик борасидаги жиноий қилмишларини эшитсангиз, беихтиёр таажжубга тушасиз.

Гап шундаки, ўтган йилнинг ноябрь ойида солиқ идораси ходимлари томонидан "МІК" хусусий корхонасида солиқ ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида хусусий корхонанинг автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасига ўрнатилган

"Avtopilot" газ ўлчаш воситаси 2012 йилнинг 1 ноябридан 2013 йил 16 январь кунигача носоз ҳолатда, яъни белгиланган тартибда тамқаланмаган ҳолда ишлатиб келингани маълум бўлди.

Бунинг оқибатида 628.387 куб-метр миқдоридаги табиий газ талон-торож қилинган. Сотувдан тушган 395 миллион 883 минг 810 сўм эса, ҳеч қаерга кирим қилинмаган.

Бунинг натижасида жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель, газдан фойдаланганлик солиқидан 125 миллион 677 минг 400 сўм ва ягона солиқдан 13 миллион 510 минг 320 сўм тўланмай қолган.

Бундан ташқари "Ўзнефтгазинспекция"си мутахассислари томонидан хусусий корхонанинг автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида табиий газга нисбатан технологик йўқотишлар ва ўз эҳтиёжи учун табиий газнинг ҳисобдан чиқарилиши юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида ҳам Ш.Камоловнинг қилмишлари ошқор бўлиб қолди. Ш.Камолов томонидан хусусий корхонада 2009 — 2012 йиллар мобайнида жами 499.991 минг куб метр ҳажмдаги табиий газ меъёрдан ортиқча ҳисобдан чиқарилган. Айтиш керакки, ҳисобдан чиқарилган бу табиий газ "ҳавога учиб кетмаган", аксинча, истеъмолчиларга нақд пулга сотилган. Аммо сотувдан тушган 323 миллион 157 минг 307 сўм солиқ идорасига топшириладиган ҳисоботларда атай камайтириб кўрсатилган. Бунинг натижасида жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель, газдан фойдаланганлик солиқидан 85 миллион 469 минг 980 сўм ва ягона солиқдан 14 миллион 288 минг 612 сўм тўланмасдан қолган.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Ш.Камолов ҳам ўз нафси йўлида қўл урган қилмишлари учун конун олдида жавоб беришига тўғри келди. У бу қилмишлари ўзига жуда қимматга тушишини англаган кўринади, шекилли, тергов жараёнидаёқ етказган моддий зарарни тўлиқ қоплади.

Биринчи босқич суди судланувчи Ш.Камоловни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топди. Суд Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-бандидаги "Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб,

унга кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади" деган талабга амал қилди.

Суд судланувчи Ш.Камоловга айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорида давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Шунингдек, у икки йил олти ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳаётда ҳар қандай қилмиш эртами-кечми барибир ошкор бўлади. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шу каби солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг оқибати яхшилик билан яқун топмайди. Шундай экан, қонунчиликда белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган, бурч ва мажбуриятини адо этган ҳар бир фуқаро, хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳеч қачон кам бўлмайди.

Акбарали ТУРАБОВ,

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди

раисининг ўринбосари

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,

"Куч — адолатда" муҳбири